ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ ЙИЛИ
ЗАФАРЛАР ЙИЛИ БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● 6 январь 1970 йил, сешанба ◆ № 3 (14.469). ■ Баҳоси 2 тийин.

БУГУН В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ



ФОТОМУХБИРИМИЗ А. Тўраевнинг бу суратларида (юқорида) Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводининг ташқи манзараси ва корхонанинг мартен цехидаги 3-печь металл эритувчилари (чапдан) В. Қоратоев, СССР Олий Советининг депутати Ш. Ҳамроқулов, И. Тарасенко ва А. Сухов ўртоқлар (пастдаги суратда) акс эттирилган.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙСИН!

Коммунизм бунёдкорлари янги 1970 йилга, ҳаммамиз учун энг азиз, мўътабар ва муқаддас бўлган улуғ Ленининг юбилей йилига зўр фахр ва ифтихор билан қадам қўйдилар. Йилимизнинг дастлабки онларидаёқ шу қутлуғ юбилей шарафига миллионларнинг яратувчилик ишларига илҳом бахш этувчи ажойиб ташаббуслар, доҳийнинг ўзи бошлаб берган буюк починнинг янги учқунлари аланга олиб, янада қудратли кучга айланиб бормоқда.

Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли металлургия заводи билан Мирзачўл районидаги В. И. Ленин номли совхоз коллективларининг Ленин юбилейи йилидаги ишлар юзасидан бошлаган ташаббуслари халқ ижодининг ажойиб намунасидир. Бу коллективларнинг ўз зиммаларига катта ва шарафли мажбурият олишлари уларнинг Ватан, партия ва халқ олдидаги ўз бурчларини чуқур англаб, шу қутлуғ йилда моддий бойликларни янада кўпайтириш, коммунизм мўл-кўлчилигига энг муносиб ҳисса қўшиш сингари муқаддас мақсадни кўзда тутади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллаб, қабул қилган қарорида бундай дейилади: «1970 юбилей йили учун зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олган Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли металлургия заводи билан Мирзачўл районидаги В. И. Ленин номли совхоз коллективларининг қимматли ватанпарварлик ташаббуси ҳар жиҳатдан маъқуллашга сазовордир».

Мажбуриятда кўзда тутилган ишларнинг ҳажми катта ва ниҳоятда масъулиятлидир. Баҳодир ишчилар синфининг етакчи насб эгалари бўлган металлургларга ўзларининг зафарли меҳнатлари билан Ленин юбилейини шарафламоқдалар. «Нималар билан фахрланса, қандай марраларга эришган бўлсак, дейишмоқда металлургларга, буларнинг ҳаммаси Владимир Ильич Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир. Партия ва ҳукумат Ўзбекистон металлургларининг меҳнатини юксак баҳоладилар. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ҳамда ВЦСПСнинг Эсдалик байроғи абадий сақлаш учун корхонамизга топширилди».

Партия XXIII съезди қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига Тезислари»дан руҳланган металлургларга доҳий юбилейи шарафига беш йиллик топшириқларни шу йилнинг 10 декабригача, 1970 йил топширигини эса 25 декабрга бажаришга, бу йил пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик товар маҳсулоти, шу жумладан пўлат сортли прокат ва тунука беришга, меҳнат унумдорлигини 1969 йилда амалда эришилганига нисбатан бир процент оширишга, 150 тонна металл, 175 тонна ёқилғи, 200 минг киловатт-соат электр энергияси тежашга, пландагидан ташқари 100 минг сўм фойда олишга, ҳозирги замон техника тараққиёти асосида мартен печи цехини реконструкция қилиш ва бошқа шунга ўхшаш энг муҳим тадбирларни амалга оширишга қарор бердилар.

Металлургларга шонли ишчилар синфи меҳнат анъаналарини ривожлантириб, ҳамма кучларини билим ва малакаларини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлидаги умумхалқ нурини ишига, коммунизм қурилиши ишига сарфлаб беришга қатъий ишонч билдирдилар.

В. И. Ленин номли совхоз коллективининг социалистик мажбурияти юбилей йилида катта пахта хирмони кўтаришга қаратилгандир. 1969 йил арафасида вужудга келган қўрғон ердаги бу кенжа совхоз республикамиз пахтакорларининг ўтган йилги қаҳрамонона курашига муносиб ҳисса қўшди. Совхоз коллективи қўрғон ерларни ўзлаштиришни янада давом эттириш, 5000 гектар майдонни чигит экишга ажратиш, бу йил ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 20 центнердан ҳосил етиштириш ва Ватан хазинасига 10 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилди.

Совхоз ишчилари кишлоқ хўжалик техникасидан максимал фойдаланишни, агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширишни, деҳқончилик маданиятини муттасил юксалтириб боришни асосий вазифалардан деб биладилар. Улар колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди ҳужжатларида ер ҳақида баён қилинган фикрларни бажонидил қабул этдилар. Дарҳақиқат, ер — хазина, халқ турмуши ва фаровонлигининг асосидир. Совхоз коллективи янги хўжаликни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини индустриалаштириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги турмуш даражасини яқинлаштириш, маданий-маиший қурилиш ишларини жадаллаштиришни энг зарур ҳаётий масалалар деб белгилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари зиммасига металлургларга ва қўриндаги пахта экувчи бу совхознинг қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйишни топширди. «Барча ташкилий ва сиёсий ишлар, дейилади қарорда, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт, алоқа органларининг, колхозлар, совхозлар ва республикамиздаги бошқа ташкилотлар меҳнаткашларини халқ хўжалиқ планлари ва юбилей йили социалистик мажбуриятларни муваффакият билан бажаришга сафарбар этишга қаратилсин».

Республикамизнинг 1970 йилги плани ва бюджетида ўзининг аниқ ва реал ифодасини топган катта бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши зўр ғайрат билан ишлашни, юбилей йилида умумхалқнинг янги, қудратли ҳаракатига айланаётган социалистик мусобақани янада авж олдиришни талаб этади. Модомики шундай экан, партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ҳар бир ишчи, колхозчи ва зиёлининг юбилей йили топшириқларини бажариш йўлидаги катта курашда ўзининг чуқур ўрнини, умум ишига қўшадиган ҳиссасини белгилаб олишда энг яқиндан ёрдам беришдир.

Кенг меҳнаткашлар оммасининг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини жўш урдириш жойларда партиявий-сиёсий, ғоявий ишларни кучайтиришга боғлиқдир. Бу соҳада партия ташкилотларининг таянчлари бўлган пропагандистлар, сиёсий докладчилар, ахборотчилар, лекторлар, агитаторлар, маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари катта иш қила оладилар ва қилишлари зарур. Айни пайтда партия, совет, касаба союз ва комсомол раҳбар ходимларининг меҳнаткашлар ўртасида сиёсий докладлар билан чиқиб туришлари керак. Улар В. И. Ленин номли металлургия заводи ва В. И. Ленин номли совхоз коллективларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари билан ҳамма меҳнаткашларни атрофлича таништиришлари ва уларни юбилей йили вазифаларини бажаришга сафарбар этишлари, илҳомлантиришлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика, область шаҳар район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон телеграф агентлиги, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига Ленин номли металлургия заводи билан Ленин номли совхоз коллективларининг ташаббусини кенг пропаганда қилиш вазифасини юклади.

Матбуот органлари эна шу коллективларнинг ташаббусини энг мақбул, меҳнаткашларга тез етиб борадиган ва уларнинг амалий ишларда жорий этадиган формаларда пропаганда қилишлари, журналистиканинг хилма-хил жанрларидан фойдаланишлари, ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг ижодий ғайрат ва ташаббусини кучайтиришга қаратилган янги темаларни қидириб топишлари керак.

Ленин номли металлургия заводи билан Ленин номли совхоз коллективларининг ватанпарварлик ташаббуслари миллионларни Ленин йилидаги зарбдор ишларга чорлайди. Бу ташаббус Владимир Ильич туғилган кунининг 100 йиллик тўйини, шу тарихий воқеани меҳнатда, коммунизм бунёдкорларининг яратувчилик ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришувларида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

ФАРҒОНАЛИКЛАР «ЛАББАЙ» ДЕМОҚДАЛАР

ФАРҒОНА, 5 январь [телефон орқали]. Қутлуғ келган янги йилда шаҳарда икки янги корхона ишга тушди. Химиявий тола заводи дастлабки маҳсулотларни ишлаб чиқарди. Ўрта Осиёда энг йирик бўлган Фарғона пойафзал фабрикасини эксплуатацияга қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатга ҳам имзо чекилди. Бу корхона йилига 5 миллион жуфт пойафзал тикишга мўлжалланган.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг меҳнаткашлари ҳам йилни яхши бошладилар. Топшириқлар ортиғи билан бажарилмоқда. Янги йил куни қайтадан қурилган парафин тайёрланадиган ускуна маҳсулот бера бошлади. Область саноат корхоналарининг меҳнаткашлари В. И. Ленин юбилейи шарафига оширилган социалистик мажбурият олган Бекобод металлургларининг ташаббусини бажонидил маъқуллаб қолдилар.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Самарқанд область, Хатирчи районидаги Ленин номли колхознинг чорвадорлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи шарафига қизғин тус олган социалистик мусобақага қўшилиб, катта меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Улар 1 январь куни давлатга гўшт сотиш ярим йиллик топширигини ado этганликлари тўғрисида ғалаба рапорти йўлладилар. Давлат омборларига пландаги 210 центнер ўрнига 311 центнер гўшт топширилди.

Колхозда гўшт планининг муддатидан жуда эрта бажарилишида Уролов, Ширенов, Зоировлар бошлиқ фермаларнинг коллективлари ва меҳнатсевар молбоқарлари катта ҳисса қўшдилар.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

МЕТАЛЛУРГЛАР ҲУЗУРИДА

РЕПОРТАЖ

Заводга шошилямиз... «Пешанасига «УМЗ» деб қайд этилган пассажир автобусларига одам сиғмайди. Улар ҳам металлургия заводига ошиқишяпти. Бири ишчи, бири инженер бошқаси хизматчи. Бу автобусларда шаҳар маъмурий идораларининг ходимлари ва қўшни саноат корхоналарининг вакиллари ҳам бор. Уларнинг суҳбатидан заводга ниятмақсадда йўл олганликлари билиниб турибди.

— Кечирасиз, сиз қайси цехда ишлайсиз? Шерали Ҳамроқулов аммасисиз?

— Ҳа, мен. Мартенда ишлайман. Сизчи?

— Бошқа корхонаданман. Сизларнинг тажрибаларингизни ўрганганч келяпман.

— Қани, бизнинг цехга марҳамат! Заводимиз коллективининг доҳий юбилейига бағишлаб зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилиш ниятида ўтказилган умумий йиғилишда барчамиз қатнашганмиз. Сиздан тажрибамизни аямяпмиз...

Шерали Ҳамроқулов мартен цехидаги учинчи печда металл эритувчи бўлиб ишлайди. Шерали металлургия заводидан ўз бахтини топган қалдирғоч ўзбек металлургларидан. Унинг бутун умри шу корхона билан чамбарчас боғланган. Заводнинг юксалишида инженер-техник ходимлар билан бир қаторда Ш. Ҳамроқуловнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У ўзи металл эритаётган учинчи печнинг унумдорлигини ўтган йилдагига нисбатан 15 процент оширди. Ҳар гал пўлат эритишда ўн минутдан вақт тежалмоқда. Шерали Ҳамроқулов бошлиқ пўлат эритувчилар қуйилма ҳосил қилиш учун белгиланган 6 соат-у, 57 минутда пландагидан икки тонна кўп пўлат эритишга эришаётир. Шералининг бу илғор иш методига қўшилиб тер тўкаётган Анвар Тошпўлатов, Виктор Дубов, Али Алиев, Николай Зяблов сингари пўлат эритувчилар ҳам муттасил яхши кўрсаткичларни қўлга киритишяпти.

Металлургия заводи коллективи яқинда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йиллигини муддатидан илгари бажариш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилди. Маълумки, металлургларнинг бу йил беш йиллигининг тўртинчи йили ишлаб чиқариш планини барвақт — 22 декабрда ортириб бажаришди. Тежалган вақт ҳисобига эса бир неча минг тонна пўлат эритиб олишди. Янги йилнинг ўтган кунлари мобайнида эса пландан ташқари 200 тонна пўлат, 50 тоннадан знёд прокат маҳсулотлари олишга муваффақ бўлишди. Металлургларга беш йиллик планни барвақт, 1970 йилнинг 10 декабригача, 1970 йил топширигини 25 декабргача бажариш ва пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик товар маҳсулоти, шу жумладан пўлат, сортли прокат ва тунука сотиш, янги техника ва илғор технологияни жорий қилиб бориб, меҳнатни илмий ташкил қилиш ва ички резервлардан фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ўтган йилдагига нисбатан бир процент оширишга сўз беришди. Бунинг устига улар 150 тонна металл, 175 тонна ёқилғи, 200 минг киловатт-соат электр энергия тежаш ҳамда пландан ташқари 100 минг сўм фойда олишга, металлургларнинг турмуши, тиричилиги, фаровонлигини янада оширишга қаратилган тадбирларни белгилашди.

Корхонанинг мартен ва прокат цехлари ишчилари ташаббускорлиқ қилишяпти. Жонкуяр ва илғор металл эритувчи Шерали Ҳамроқулов автобуседа танишган ҳамроҳига шу ҳақда мароқ билан гапириб берди.

Ҳа, мартен цехининг фидоюн пўлат эритувчилари чинакам улуғ мақсад сари дадил одим ташлашди. Уларга корхонанинг бутун цехлари коллективлари бир, яқдан бош чиқариб эргашди. Бугунги кунда эса мартенчилар бошлаб берган катта ташаббус бутун республикамиз саноат корхоналари бўйлаб кенг қанот ёзяпти.

Биз мартен цехининг ишчилари билан бафуржа суҳбатлашдик. Улар бизга меҳнат унумдорлигини оширишга ҳаракат қилаётганликларини айтишди. Бу печнинг мавжуд ҳар бир квадрат метрдан кўпроқ металл эритиб олиш, пўлат эритиш муддатини имкони борича камайтириш, деярли ҳар ойда ремонт қилинадиган печларни белгиланган олти кена кундуз ўрнига 4,5—5 кена кундузда ремонт қилиш орқали қўлга киритилади.

— Пўлатни узлуксиз қуйиш ускунаси мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Асад Эргашев бизга қизиқ фактни айтиб берди: — Илгари пўлат қуйиш оғир юмуш саналарди. Мартен печларидан тайёр маҳсулот махсус қуюв аравачаларига қуйиларди. Аравача қозонларини автоматик суратда қолипларга ағдарувчи механизм тез-тез ишиб ва бузилиб турини оқибатида тоҳо машқаҳат билан эритилган металл нобуд бўлиб кетарди. Ҳозир қуюв участкамизда бу юмуш мукаммал машиналар зиммасига юкланган. Янги техника ва илғор технологиянинг ишлаб чиқаришга жорий этилаётганлиги, ижодкор ишчиларимизнинг рационализаторлик таклифлари амалга оширилаётганлиги туфайли участкамиздаги барча ишнинг 95 проценти механизмлар ёрдамида бажариляпти.

Биз прокат цехи ишчилари даврасида бўлганимизда, уларнинг Ленин юбилейи шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга астойдил киришганликларининг шоҳиди бўлдик. Бу цехдаги «600», «420 стан»ларида иш ҳар качонгидан ҳам қизиғи, «300 стан»- катта мастери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Нуриддинов бошлиқ прокатчиларнинг кўрсатаётган шижоати прокатчи бригадалар, коллективларга ибрат бўляпти. Тожибой Қўшналаров бошлиқ бригада ишчилари Саид Нуриддиновга эргашиб, ускуналардан самарали фойдаланиш, вақт ва материални тежаш ҳисобига пландан ташқари маҳсулот тайёрлашяпти. Улар шу кунларда доҳий туғилган кун — 22 апрелда нуқул тежалган материаллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга пухта ҳозирлик кўришяпти.

— Ўтгани беш йил мобайнида корхонамиз юксалди. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 23,5 процент, меҳнат унумдорлиги 18 процент кўпайди, — дейди ифтихор билан корхона партия комитетининг секретари Олим Иброҳимов. — Бу йилги юксак режаларимизнинг ҳам бажарилишига ишончимиз комил.

С. МУҲИДДИНОВ,
Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИК

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида сўзлаган нуткида, «албатта, бизнинг бундан кейинги йўлимиз — хўжаликларни ихтисослаштириш йўлидир, маҳсулотларни саноат асосида етиштиришни бутун чоралар билан ривожлантириш йўлидир», деди. Колхозимиз аъзолари ана шу йўлдан бориб, хўжаликни комплекс тараққий эттирмоқдалар. Натижада катта меҳнат зафарларини қўлмоқдалар.

Сўнгги йилларда пахтачилик билан бир қаторда жамоат чорвачилиги ҳам тез тараққий эттирилмоқда. Кўп, юқори сорт ва нархи арзон гўшт, сут ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш коллективимизнинг жонажон ишига айланди. Шунингдек, чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорва бинолари қуриш, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш соҳасида ҳам анча ишлар қилдик.

Бу кўрилган тадбирлар яхши самаралар бераётир. Биз куни кеча давлатга гўшт сотиш йиллик планини Наманган областида биринчи бўлиб бажардик. Тайёрлов пунктига планда кўзда тутилган 61 тонна ўрнига 62 тонна бўрдоқи ва сўқим гўшти етказиб берилди. Гўшт учун сотилган чорва моллар-нинг ҳаммаси ўртадан юқори ва ўрта семизликдадир. Биз гўшт етиштиришни бутун йил давомида бир меъёрда давом эттириш тадбирларини кўрдик. Ҳозир гўштга топширилган қорамол ва қўйлар ўрнига кўп миқдорда ориқроқ чорва моллари боқувга қўйилди. Уларни зоотехника қоидалари асосида парваришлаб, қорамолларнинг тирик вазнини 380-400 килограммга, қўйларнинг оғирлигини ҳозиргига нисбатан анча оширишга эришамиз.

Х. МАМАДАЛИЕВ,
Наманган районидаги «Москва» колхозининг раиси.

Т. УРУНОВ,
колхоз партия комитетининг секретари.

Қ. КЕНЖАЕВ,
зоотехник.

Янгиликлар, ХУШХАБАРЛАР

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

Калинин районининг деҳқонлари ўтган йилни сермазмун якунладилар. Улар қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритиб, янги йилнинг баракали ҳосили учун пухта замин яратишга киришиб кетдилар. Район механизаторлари бугунги дала ишларида байроқдор бўлмоқдалар. Улар областда биринчи бўлиб кузги шудгорлашни тугалладилар. Пландаги 9756 ўрнига 9785 гектар сугориладиган ерни сифатли шудгорлаб қўйдилар. Шудгорланган ернинг 5663 гектарига минерал ўғитлар сепиб бўлинди. Бундан ташқари Келес массивида ҳам 4,5 минг гектар ер шудгорлаб бўлинди.

А. ҲУСАНОВ.

ЯХОБ БОШЛАНДИ

Карши районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари 1969 йилда улкан хирмон кўтардилар. Колхозининг Жаббор Мустаев бошлиқ бригада пахтакорлари эса ҳар гектар майдондан 26 центнердан ингичка толали дурдона топширдилар. Бригада аъзолари колгуси йилнинг мўл ҳосили ҳаратига тушиб, пахта майдонларини биринчилар каторида шудгорлаб бўлишди. Шу кунларда бригада сувчилари жасорат билан меҳнат қилмоқдалар. А. Мирзаев, Ч. Норқулов, Ш. Шеров каби ғайратли сувчилар кунига 1,5-2 гектар майдонга яхоб сув беришмоқда.

СИФАТЛИ ШУДГОР

Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг пахтакорлари 1970 йилнинг катта «оқ олтин» хирмони учун курашни бошлаб юборди-лар. Совхоз далаларида шудгорлаш қизғин давом этмоқда. Шудгорлаш ишларида кучига 35—40 та ҳайдов тракторлари қатнашяпти. Ҳар куни 160-180 гектар ер шудгор қилинмоқда. Механизаторлардан М. Тожибоев, Т. Дўлтаев, F. Давлатовлар меҳнат суръати ва сифатида бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Б. МАҲМУДОВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ СУТ

Фарғона областидаги Киров районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари яна бир ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга сут сотиш йиллик плани муваффақиятли адо этилди. Улар қабул пунктларига 4271 тонна серқаймоқ сут топшириб, янги йилни кутиб олдилар. Янги йилнинг дастлабки кунларидаиоқ сут топшириш қизитиб юборилди.

БУХОРО ГАЗИ — ЧЎПОНЛАРГА

Республикада энг йирик Янгиер газ тақсимлаш станциясининг биринчи навбати яқинда ишга тушди. Суюқ ҳолдаги Бухоро гази баллонларда Фориш, Зомин ва Пахтакор районларининг узоқ чорвачилик посёлкаларига юборилди. Бу корхона В. И. Ленининг юз йиллиги юбилейи куни батамом ишга тушади.

Станциянинг лойиҳадаги қуватида йилига 25 минг тонна суюқ ҳолдаги газ чиқариш кўзда тутилади. У Мирзачўл жиловкорларини, шунингдек Самарқанд, Тошкент областлари ва Қорақалпоғистон Автоном Республикаси қишлоқ аҳолисини газ билан тўла таъминлайди.

КОМБИНАТНИНГ ҚУВВАТИ ОШДИ

Чирчиқ электр химия комбинатида аммиак маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувват муддатидан олдин фойдаланишга топширилди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ИЗЛАНИШ

Партия ташкилотлари олиб борадиган ташкилий-партиявий ишлар партия Устави ва КПСС Марказий Комитетининг инструкцияларида аниқ кўрсатиб берилган. Бу талаблар ишни планли олиб боришни таъминлайди, шу билан бирга изланишга, ижодкорликка кенг йўл очиб беради.

Самарқанд область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларида ташкилий-партиявий кабинет ва бурчаклар ташкил этилиб муҳим ташаббус бошланди. Самарқанд район партия комитетининг ташкилий-партиявий ишлар бурчагини ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Бу ерда махсус хона ажратилиб, у юксак дид билан безатилган, стендлар, схемалар, витриналар қўйилган. Райкомнинг ташкилий-партиявий бўлимининг ходимлари мунтазам навбатчилик қилишади.

Кабинетга кирган ҳар бир киши КПСС Устави, партия XXIII съезди материалларидан кўчирмалар, В. И. Ленин асарларидан олинган цитаталар, КПСС ва Ўзбекистон Компартияси съездлари, область ва район партия конференцияларининг ҳужжатларини кўради. «Ўқишни тавсия этамиз» деб номланган махсус картотекада доҳий В. И. Ленин ҳақида, партия ҳаётининг ленинча нормалари, ёш коммунистлар билан ишлаш, партия йиғилиши, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларига, партиявий раҳбарлик тажрибасига оид, цех ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг тажрибасига доир материаллар кўрсатилган. «Партия турмуши» журналидан ўқиб олинг» деб номланган махсус ахборот бор. Алоҳида столда бошланғич партия ташкилотлари ҳаётига доир ҳужжатлар рўйхати ва инструкциялар жой олган. Стендлардаги диаграммаларда область районларида бошланғич партия ташкилотларининг ўсиб бориши, уларнинг сифат состави, структураси ўз ифодасини топган.

Райондаги йирик колхоз ва совхоз партия ташкилотларида эса партиявий-ташкилий ишлар бурчаги муваффақиятли ишлаб турибди. Бу нарса айниқса «Москва», Энгельс номли, «Победа», «Ленин байроғи» колхозларида яхши йўлга қўйилган. «Москва» колхози бошланғич партия ташкилотининг бу борадаги ишини мактаса арзигулик. Партиявий-ташкилий ишлар бурчаги бу ерда уч йилдан бери самарали иш олиб бормоқда. У ниҳоятда мазмунли қилиб безатилган. Бу ердан партия ҳужжатларидан ташқари колхоз назоратчилари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишини уюштиришга доир материалларни топишингиз мумкин. Ведомость ва анкеталарнинг намуналари, колхоз партия комитетининг истиқбол ва бригада партия ташкилотининг тақвиний иш планлари ҳам қўйилган. «Ленин байроғи» колхози ҳам бу соҳада катта тажриба тўплаган.

Мавжуд кабинет ва бурчакларда коммунистларнинг, биринчи навбатда, цех ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ижодий активлигини оширишга ёрдам берувчи ташкилий-партиявий ишлар жамланган. Ҳозирги пайтда бу кабинет ва бурчаклар қуйи партия ташкилотларининг ўқув марказига айланган. Ташкилий-партиявий бурчаклар қарор топгач, партия ташкилотлари ўз вазифалари ва имкониятларига масъулият билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Ташкилий-партиявий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги ортди. Шунинг учун ҳам район партия комитети ташкилий-партиявий бурчакларнинг ишини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераётир.

Партия ички ҳаёти нормалари ва КПСС Устави талабларига қандай риоя қилинаётганлигини район партия комитети текширганда, баъзи партия ташкилотларида аниқ иш планлари йўқлиги, айримлари эса план тузишда қийналаётганлигини аниқлади. Уларга тегишли ёрдам бериш мақсадида, партия бюроси ва партия комитетларининг секретарлари райкомга таклиф қилинди. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида иш олиб борилди. Шундай қилиб, аста-секин «планлаштириш куни» қарор топди. Эндиликда маълум кунларда (ой, квартал ва йил охирларида) партия ташкилотларининг секретарлари райкомга, цех партия ташкилотларининг секретарлари парткомга таклиф қилинадилар. Қабул қилинаётган планлар муҳокама этилади. Тегишли маслаҳатлар берилади. Зарур ҳолларда планга маълум ўзгартиришлар ҳам киритилади.

Райондаги 100 та партия ташкилотидан 43 таси ўз ишини перспектив план асосида олиб бормоқда. «Планлаштириш куни» иши айниқса Энгельс номли колхозда яхши ташкил этилган. Бу ерда колхоз партия комитетининг секретари бўлиб республикада хизмат кўрсатган агроном Ю. Иброҳимов ишлайди. Колхоз партия комитети иш планини тузаётганида, партком аъзолари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этиши бу ерда одат тусига кириб қолган. Улар ҳар бир масалани атрофлича ўйлаб, сўнгра планга киритадилар. Уни ким ва қачон бажариши ҳам аниқ кўрсатилади. Планда асосан қабул қилинган қарорларнинг ижросини текшириш, партия активининг ўқуви, коммунистлар томонидан айтилган танқидий фикрлар бўйича белгиланган тадбирлар бажарилиши каби бир қатор масалалар жой олади.

Ишни оқилона планлаштирилиши ва ўз вақтида бажарилиши натижасида колхоз партия ташкилотининг обрўси тобора ошмоқда, колхоз олдида турган хўжалик-сиёсий вазифаларнинг бажарилишида унинг таъсири кучли бўлмоқда.

Кейинги икки йил ичида колхоз парткоми мажлиси ва партия йиғилишида КПСС XXIII съезди ва Марказий Комитет Пленумлари қарорларини турмушга татбиқ қилишга доир 20 дан ортиқ масала муҳокама қилинди. Натижада колхоз экономикаси мустаҳкамланди. Бу эса ўйлаб тузилган перспектив планлаштиришнинг ниҳоятда катта самара беришини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, партиянинг асоси бўлган бошланғич партия ташкилотларида ташкилий-партиявий ишларни шу куннинг талаблари асосида уюштириш партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидандир.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш тажрибаси тўғрисида»ги қарорида шундай дейилади: «Баъзан партия йиғилишларида асосан кундалик ишлаб чиқариш фаолиятига доир ва аҳамияти кам бўлган бир хил тусдаги масалалар муҳокама қилинади. Лекин ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга, ташкилотчилик ишига доир кўпгина муҳим ва жуда зарур масалалар камдан-кам муҳокама қилинади ва бундай масалалар қўйилган тақдирда ҳам, улар чуқур таҳлил этилмайди. Ғоявий-назарий масалалар йиғилишларда камдан-кам қараб чиқилади». Бу каби ҳоллар область партия ташкилотлари фаолиятида ҳам учраб туради.

Партия ташкилотлари мавжуд камчиликларни тезда бартараф этиб, ташкилий-партиявий ишлар мазмунига алоҳида эътибор бериб, уларнинг жанговарлигини оширишга эришмоқлари лозим.

А. ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Самарқанд область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг инспектори.

Самарқанд шаҳрида қурилаётган янги кўп қаватли меҳмонхона қурилиши тугалланиш олдида турибди. Шу кеча-кундузда бинони пардозлаш ишлари юқори суръат билан олиб борилмоқда. Бу ишни бажаришда 978-қурилиш бошқармасининг республикада хизмат кўрсатган бинокор Али Рамазонов бошлиқ бригадаси ишчиларидан Мурзия Муртазоева ва Расима Зайдуллина айниқса баракали меҳнат қилмоқдалар. Улар кундалик иш топшириғини мунтазам ошириб бажармоқдалар.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ).

Наманган шойи тўқув фабрикасининг ишчиси, шаҳар Советининг депутати Ҳадича Абдуллаевани корхонада катта-ю кичик ҳурмат қилади. Меҳнатсевар тўқувчи ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, кундалик иш топшириқларини доимо ошириб бажариши, актив жамоатчилик фаолияти туфайли кўпчилик эътиборини қозонган.

Хоразм областининг Янгиариқ районида яшовчи кулол Раймберди Матчонованинг номини кўпчилик яхши билади. Чунки унинг кулолчилик санъати машҳур, 60 ёшли кулол қўлидан чиққан нақшин лаганлар республика кўргазмаларида юқори баҳоланган.

С. Безносов фотолари.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

ДЕҲҚОННИНГ БУГУНГИ УЙИ

Эндиликда қишлоқ қурувчиларининг қўлида қудратли техника бор. Қишлоқларимизда шаҳар билан ҳуснигалашадиган уй-жойлар ва ишлаб чиқариш корхоналари қурилмоқда. Аммо шуни ҳам тан олиш керакки, қишлоқ қурилишининг техникавий даражаси замон талабларидан анча орқада қоляпти. Бундан бўён қишлоқ қурилишини жадал авж олдирмоқ учун ҳам маҳаллий қурилиш материалларини, ҳам йиғма конструкцияларни қўлланиш, қурилишни жадал индустриалаштириш лозим бўлади.

Ўтган 1969 йилда Ўзбекистон колхоз қурилиши бирлашмасига қарашли саноат корхоналарида 1968 йилдагига нисбатан 20 процент кўп, яъни 57 минг кубометрга яқин йиғма темир-бетон буюмлар тайёрланди. Ҳар миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилганида ўртача 2100 кубометр йиғма темир-бетон ишлатилляпти.

Биз колхозларда, асосан уй-жой ва чорвачилик бинолари қурмоқдамиз. Ҳали айтиб ўтганимдек, уларни бунёд этишда индустриал усулларга кўчиш мавруди етди. Лекин гап шундаки, қишлоқ лардаги қурилишларда йиғма ускуналардан фойдаланиш эндигина бошланяпти. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таллуқли бўлган бинолар ва корхоналар қурилишидагина йиғма темир-бетон фақат бинолорнинг томини ёпишда ишлатиляпти. Деворлар эса асосан ғиштдан тикланмоқда. Бунинг устига қишлоқ қурилишида кўлда бажарилаётган ишлар кўплиги туфайли йиғма темир-бетон конструкцияларни қўлланишдан келадиган наф камаймоқда. Устига-устак юк кўтариш механизмлари тузукроқ ишлатилмаяпти.

Енгил тўлдиргичлар тайёрловчи корхоналаримизнинг йўқлиги ишимизга салбий таъсир қилмоқда. Шунинг учун ҳам икки қатламли деворбоп панеллар конструкциясини яратдик, уларни тайёрлашда маҳаллий қурилиш материалларидан ҳам фойдаланиладиган. Шу асосда уй-жойлар лойиҳаси ҳам тузилди. Тошкент, Андижон, Сирдарё ва Бухоро областлари колхозларида ана шунақа янги уйлар қурилди. Энди биз ана шу янги хил панеллардан ишлаб чиқариш бинолари ҳам қуриш ҳаракатидамиз.

«Узколхозоргпроект» институтининг мутахассислари Беруний колхозлараро қурилиш бошқармасида янги бир ускунани ишга тушириб, бархан қумларидан газобетон блоклари олмоқдалар. Ундан ҳам конструкциябоп, ҳам иссиқликни ўтказмовчи газобетон олиш мумкин.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилишга янги самарали материалларни жорий этишда рационализаторларимизнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. 1969 йилнинг иккинчи ярмида жорий этилган таклифлар деярли 100 минг сўм фойда бермоқда. Андижон, Фарғона ва Сурхондарё областларидаги трестларимизда рационализаторларнинг сони йил сайин ортмоқда.

Колхозлараро қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. 1969 йилда шу мақсад учун деярли 11 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳозирги пайтда Файзиободдаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати реконструкция қилинмоқда. Бу иш ниҳоясига етгач, йиғма темир-бетон тайёрлаш икки ҳисса кўпаяди. Ҳозир ҳамма колхозлараро қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш базалари реконструкция қилинмоқда ёки янгидан қурилмоқда. Асосий эътиборни юксак даражада механизациялашган корхоналар бунёд этишга қаратмоқдамиз, базаларни йириклаштириш ҳаракатидамиз.

Айрим масалаларни ҳал этишда колхозлараро қурилиш ташкилотларининг қўли калталик қилиб қоляпти. Бизга кран ускуналари, транспорт ва қурилиш материаллари ва конструкциялари тайёрланадиган ускуналар кем етказиб берилмоқда. 7,5-10 тонна юк кўтара оладиган ускуна қўлимизга текса айни муддао бўлур эди.

Колхозлараро қурилиш ташкилотларини мустаҳкамлаш учун ана шу масалаларни ҳал этиш лозим бўлади.

Т. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Колхозлараро қурилиш ташкилотлари республика бирлашмаси раисининг ўринбосари.

ОБКОМ ПЛЕНУМИ

АНДИЖОН, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Бу ерда область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитети 1969 йил декабрь Пленуми, СССР Олий Совети Сессияси якунлари ва Андижон область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида обкомнинг биринчи секретари Б. Раҳимов доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокарада Бўз район партия комитетининг биринчи секретари А. Исмоилов, «Андижанирстрой» трестининг бошқарувчиси У. Муслимов, Балиқчи район партия комитетининг биринчи секретари А. Тожибоев, Избоскан район партия комитетининг биринчи секретари Х. Қодиров ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

А. ҚУРОНБОЕВ.

БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИ ОЛДИДАН

УМУМХАЛҚ ИШИ

Шу кунларда мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш учун тайёргарлик ишлари кенг авж олмоқда. Бу навбатдаги Бутуниттифоқ аҳолисини рўйхатга олишдир. Аҳолини рўйхатга олиш улуғ доҳиймиз ва устозимиз, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш арафасида ўтказилмоқда. Навбатдаги рўйхатда совет халқи 52 йил мобайнида эришган ютуқлар, Ленининг коммунистик жамият қуриш ҳақидаги васиятлари Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилганлиги ифодасини топади. Бутуниттифоқ аҳолисининг рўйхати мамлакатимиз партия ва давлат органларига совет халқи фаровонлигини ошириш, экономика ва маданиятни янада тараққий эттиришни планлаштириш, республика, область, шаҳар ва районларда хўжалик ва маданий қурилиш планларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун аниқ ва муҳим маълумотлар беради. Бу масъулиятли иш ташкилий жиҳатдан пухта ва намунали ўтказилиши лозим.

В. И. Ленин асарларида аҳолининг сони, таркиби ва жойлашиши ҳақидаги маълумотларни илмий социал-иқтисодий таҳлил қилишга жуда катта аҳамият берган. Доҳий ҳажм жиҳатидан жуда катта бўлган Европа, Америка ва Россия мамлакатларининг аҳолиси ҳақидаги статистика материалларини чуқур ўрганди. У буржуа статистикасини аёвсиз танқид қилиб, совет демографик статистикасини ташкил этишда асос қилиб олинган аҳолини илмий статистик тадқиқ қилишнинг принцип ва методларини ишлаб чиқди. Улар шу кунгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Халқ Комиссарлари Совети 1920 йил 22 апрелда рўйхатга олиш тўғрисида биринчи Декрет қабул қилиши биланоқ, В. И. Ленин барча губерния ижроия комитетларига, губерния революцион комитетларига ва ҳокимиятнинг бошқа органларига «Рўйхатга олишга яқиндан ёрдам бериш», бу ишда «губерниялардаги бутун куч ва воситалардан» фойдаланиш тўғрисида кўрсатмалар берган эди.

1920 йилда ўтказилган рўйхат маълумотларидан вайрон бўлган халқ хўжалиги ва маданий қурилишни тиклаш тадбирларини ишлаб чиқишда, шунингдек ГОЭЛРО планини тузишда фойдаланилди.

Иккинчи Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати 1926 йил (17 декабрь)да ўтказилди. Бу вақтда халқ хўжалиги асосан тикланган бўлиб, мамлакатимизда социалистик қурилишга тайёргарлик кўрилмоқда эди. Бу рўйхат ёш Совет давлатининг халқ хўжалигини тиклашдаги дастлабки ютуқларини кўрсатишга имкон берди. Шунингдек, социализм қурилишининг биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқишга асос бўлди.

Учинчи Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати 1939 йил (17 январь)да ўтказилди. Бу рўйхатнинг материаллари эса социализм ғалаба қилган мамлакатнинг улуғвор ютуқларини кўрсатди.

Тўртинчи Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати 1959 йил (15 январь)да ўтказилди. Рўйхат якунлари фақат мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёда зўр қизиқиш туғдирди. Бу вақтда Иттифоқимизда аҳолининг умумий сони 208,8 миллион кишини ташкил этди. Шаҳар аҳолиси эса 100 миллион кишига кўпайди.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатининг ўзгарганлиги, аҳолининг маълумот даражаси, касб бўйича, халқ хўжалиги ва ижтимоий группалари бўйича жойлашиши тўғрисидаги 1959 йилги рўйхат маълумотлари бундан олдинги рўйхат орасидаги ўтган давр ичида мамлакатимиз халқ хўжалиги ва маданий қурилишида рўй берган силжишларни акс эттирди. Рўйхат мамлакатимизда янги районларнинг ўзлаштирилиши, янги йирик саноат марказларининг барпо этилиши ва социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тараққиёти билан маълум даражада боғлиқ бўлган аҳолининг территориал жойлашишидаги ўзгаришларни аниқлашга ҳам имкон берди. 1959 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилгунгача бўлган давр ичида совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида экономиканинг барча тармоқларини ривожлантириш, совет халқининг маданий даражаси ва моддий фаровонлигини ошириш соҳасида янада катта муваффақиятларга эришди.

1959 йилдаги рўйхат бўйича аҳолининг сони тўғрисидаги маълумотлар ва ҳозирги статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, шу йилнинг бошида СССР аҳолиси 238,9 миллионга етди. Яъни, кейинги ўн йил ичида аҳолининг сони 30 миллион кишига кўпайди.

Бошқа иттифоқчи республикалар билан бир қаторда, кейинги ўн йил мобайнида Ўзбекистон ССР ҳам халқ хўжалигининг барча соҳаларини янада ривожлантириш, халқнинг маданий даражаси ва моддий фаровонлигини ошириш, илмий ходимлар ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашда катта муваффақиятларга эришди. Бунга республикамиз аҳолисининг сони ва социал иқтисодий таркибида рўй берган ўзгаришлар ҳам таъсир этди. 1959 йилги рўйхат материалларига кўра, Ўзбекистонда 8 миллион 261 киши яшарди. Ўн йилдан сўнг эса бу рақам 12 миллиондан ошди. Республика аҳолиси ҳар уч йилда деярли бир миллион кишига кўпайди. Ҳозир республикамиз аҳолиси ҳар суткада минг кишига ошмоқда. Шу давр ичида Ўзбекистон аҳолиси 2 миллион 259 минг кишидан 4 миллион 206 минг кишига етди ёки бошқача қилиб айтганда 1 миллион 947 минг кишига кўпайди. Шаҳар аҳолисининг умумий сони республикамизда 36 процентгача ошди. Шаҳарлар сони 1959 йилдаги 33 тадан 40 тага, шаҳар типидаги посёлкалар 67 тадан 87 тага кўпайди.

Республикамиз пойтахти Тошкентда аҳолининг сони 927 минг кишини ташкил этган эди. Шу йилнинг 1 январида эса шаҳар аҳолисининг сони 1354 минг кишига етди. Республикамиз қишлоқ аҳолиси 1959 йилдаги 5 миллион 502 минг кишидан 7 миллион 454 минг кишига етди. Ўлкамиз халқ хўжалиги ва маданиятининг тараққиётида эришилган улкан муваффақиятлар аҳоли фаровонлигининг ошишида ҳам муҳим роль ўйнади. Ишчи ва хизматчилар сони 20 йил мобайнида 1 миллионга яқин кўпайди. Ҳозир бу рақам 2 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Республика ҳалқ хўжалигида банд бўлган ўрта ва олий махсус маълумотли мутахассисларнинг сони ўн йил мобайнида икки марта ошди ва 460 мингдан ортиқ кишига етди. Умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг сони ҳам икки марта кўпайди ва 1968—1969 ўқув йилининг бошида 2 миллион 983 минг кишини ташкил этди. Республикамиз олий ўқув юртларидаги студентларнинг сони эса 1960—1961 ўқув йилидаги 101 минг кишидан 1968—1969 ўқув йилида 224 минг кишига етди. Бошқача қилиб айтганда икки мартадан кўпроқ ошди. Ҳозир техникумлар ва ўрта махсус ўқув юртларида 148 мингдан ортиқ киши таълим олмоқда.

Республикамизда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, хўжалик ва маданий ҳаётнинг тараққиёти, аҳоли моддий фаровонлигининг ошганлиги перспектив ва ҳозирги давлат планлари орқали аниқланади. Планлаштиришнинг муҳим шартларидан бири аҳолининг сони ва состави тўғрисида аниқ маълумотларни билишни талаб қилади. Планларни тузиш учун фақат аҳолининг умумий сонини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Масалан, товарларнинг баъзи турларини ишлаб чиқариш планини тузиш учун аҳолининг сони ва таркибини билиш зарур. Уларнинг қайси турдаги товарларга муҳтожликларини тўғри ҳисоблаб чиқиш лозим.

Навбатдаги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини ўтказишнинг муваффақияти ана шу муҳим тадбирни амалга оширишга тайёргарлик даражасига боғлиқ. Республикамизда аҳолини рўйхатга олишда 30 мингдан ортиқ ҳисобчи, оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда юз мингдан ортиқ киши қатнашади.

Аҳолининг Бутуниттифоқ рўйхатини ўтказиш давлат ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим тадбирдир. Рўйхатдан ўтиш ва рўйхат варақасидаги саволларга тўғри жавоб бериш ҳар бир гражданнинг шарафли бурчидир.

Г. И. ЗАЙКО,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист.

САРҲИСОБ

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа совхозимизда ҳам кенг қулоч ёзди. Мана, 1969 йил ҳам якунланди.

Совхозимиз коллективи қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари бўйича давлат планларини ва ҳатто ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажариб, юбилей йилини ёруғ юз, ифтихор билан кутиб олганлиги барчамизни чексиз қувонтирмоқда.

Пландаги 8.742 тонна ўрнига 9 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширдик. Ҳосилдорлик гектар бошига 25.5 центнердан ошди. Жиянқул Қудайқулов, Ислом Караев, Динасилбек Борибеков ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар майдондан 28-31 центнердан пахта топшириб, совхозимизда рекорд натижани қўлга киритишди.

Об-ҳаво ноқулайликлари натижасида терим агрегатлари аввалгидек натижа беролмади. Биз қатор йиллар давомида совхоз бўйича ялпи ҳосилнинг 85-90 процентини машиналар бункеридан тўккан эдик. Ўтган йилги қийин шароитда, ёғингсочинли даврда ҳам «пўлат от» суворийларимиз чакки иш қилишмади. 4.5 минг тоннага яқин пахтани «зангори кема»лар билан териб беришди.

Совхозимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан ҳам улгуржи даромад олдилар. Давлатга сут топшириш йиллик плани 121 процент адо этилди. Ҳар бир соғин сигирдан 1965 йилдагига қараганда 1350 килограммдан зиёд сут соғиб олинди.

Гўшт топшириш йиллик плани бундан тўрт ой олдин 104 процент бажарилган эди. Совхозимиз чорвадорлари 1970 йилги давлат планини ярим йил ичида бажариш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Шунингдек, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева топшириш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди.

Биз пландаги 600 минг сўм ўрнига 900-950 минг сўм соф фойда олишга эришяпмиз.

Совхоз қишлоқларини янада обод ва гўзал қилиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Ўтган йилнинг ўзида иккита ўрта мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ишчилар учун кўплаб янги уй-жой бинолари қурилди.

Мирзачўл районидаги В. И. Ленин номли совхоз коллективининг социалистик мажбуриятларига жавобан совхозимиз коллективи 1970 йил мўл ҳосилига пухта замин яратмоқда.

Ш. ДИЛДАБЕКОВ,
Сирдарё область, Киров районидаги «Большевик» совхозининг директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

БЕЗОРИЛАРГА ҚАРШИ ЎТ ОЧАЙЛИК!

ШАХСИЙ ИШМИ?

Ҳуқуқшунослик илми кўп вақтлардан бери жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганади. Қонунбузарликни туғдирувчи асосий омиллардан бири маслик, алкоголизм эканлиги тажрибада кўп марта исботланди.

Менинг олдимда икки йиллик жиноий иш папкаси турибди. Ундаги протоколлар бир фожиа ҳақида ҳикоя қилади:

1967 йилнинг 15 июлида Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг Қорақудуқ участкасида, Тошканалнинг ўнг қирғоғидан номаълум аёлнинг жасади топилди. У қора юбка кийган, чап қўлида «Чайка» соати бор. Соат миллари 8 дан 25 минут ўтганини кўрсатганича тиниб қолган. Ёнидан ранги хиралашиб кетган паспорт ва ҳарбий билет топилди.

Экспертиза маълумотларига кўраганда паспорт Новосибирск милиция бўлимидан, ҳарбий билет эса Красноводск шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан бир кишига — 1935 йилда туғилган Владимир Николаевич Пайвин номига берилган. Хотининг жасадини текширишгач, у 35-40 ёшларда эканлиги маълум бўлди. Бундан 15-20 кун олдин хотининг бошига оғир нарса билан урилган, чап биқинида 2-3 сантиметр узунликда тиртиқ бор, пешанасида 4-5 сантиметр жой шилинган. Қонида 3,17 промилл миқдорида этил спирти борлиги, ўлим олдидан аёл ҳаддан ташқари маст бўлганлиги аниқланди.

Хотининг ўлимидан кейин ҳеч ким унинг йўқолганлиги ҳақида бирор жойга ариза бермаган. Текширишлар бошланди. Иш юзасидан ёш терговчи Тўлқин Расулов шуғулланишга отланди. Терговчи иплнг учини топиб олгандек бўлди: Пайвинни топиш керак. Қотил ўз ҳужжатларини қурбони қўлида қолдириб кетиши ақлга сиғмайдиган гап. Бунинг устига, Пайвиннинг кимлигини билиш, бу ишга унинг қандай алоқаси борлигини аниқлаш лозим эди. Новосибирск ва Красноводскка тегишли саволлар билан мурожаат қилинди. Новосибирскда унинг ота-онаси ва биринчи хотини — Ида яшаши маълум бўлди. У бундан 8 йил олдин хотини ва ўғли Юрийни ташлаб„ Красноводскка келган экан. Ипнинг учи Красноводскда Пайвин билан яшаган Ира исмли аёлга бориб тақаларди. Пайвин бу ерда ҳам тинч турмасдан Канарейкина деган аёл билан танишиб, унинг орқасидан Ашхабодга жўнаб кетганини Ира айтди.

Терговчи Ашхабодга йўл олди. Канарейкинани квартирасидан топиб бўлмади. У Ашхабоддан тахминан жасад топилган кунларда жўнаб кетган эди. Унинг суратини олиб , экспертизага юбордилар. Экспертиза суратдаги йўқолган аёлга ўхшашлиги ҳақида далолат берарди.

Қотилликда Пайвиннинг қўли бўлиши керак. Қидирув эълон қилинди. Тез орада Пайвин Бўкада қўлга тушди. Ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиққан прокурор, Пайвинни қамоққа олишга қарши чиқди. Улган аёл ёнидан унинг ҳужжатлари топилганлиги шубҳа туғдирса ҳам, қотилликда айбланиш учун етарлича далил бўла олмас эди. Прокурор Пайвинни алиментларни тўлашдан қочиб юрувчи шахс сифатида жавобгарликка тортишни талаб қилди. Айбланувчининг ўзи ҳам бировни ўлдиришда қатнашганини қатъий рад этди. У Канарейкинани бир йилдан буён кўрмаганини айтди. Кунлар ўтарди. Тергов давом этар, аммо оғир жиноятни исботлайдиган янги маълумотлар топилмас эди. Улган деб тахмин қилинган Канарейкина бир куни ўзи Бўка милиция бўлимига кириб келди. У қариндошларникига қилган сафаридан қайтиб, ўзи ва Пайвин билан қизиқишаётганини эшитгач, эрини қидириб Бўкага келади. (Унинг Пайвиндан бўлган боласи бор эди). Канарейкинанинг пайдо бўлиши терговчи олдига янги вазифалар юклади. Ҳамма нарсани бошидан бошлаш ва биринчи навбатда ўлган кишининг кимлигини аниқлаш зарур эди. Пайвин Бўкада қайси аёллар билан таниш бўлганлигини суриштира бошладилар. Уни танийдиган кишилар билан суҳбатлашилди. Пайвиннинг иш жойидаги таниш аёллардан бири Валя Қульбеда анчадан бери кўринмай қолган эди.

Валя Қульбеда колхозда сут соғувчи бўлиб ишларди. Синглиси Валяни икки-уч ойдан бери кўрмаганини айтди. Гувоҳ Ирина бир куни Пайвиндан Валя қаерда деб сўраганида, у менинг ҳужжатларимни олиб қандайдир чолга эрга тегиб кетган, ҳозир Олмалиқда яшайди, деганини гапириб берди. Пайвин эса Валяни сўнгги марта 1967 йили, июнь ойининг охирларида (мурда топилгандан 18-20 кун илгари) кўрганлигини айтди. Улар тўрт киши бўлиб (Запевалов ва Кирп билан бирга) икки шиша арақ, икки шиша вино ичишган. Пайвин каттиқ маст бўлиб, дарё қирғоғида ухлаб қолган. Шундан бери Валяни кўрган эмас.

Запевалов ва Кирп бир неча бор сўроқ қилинди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ғалати эди, ҳар гал гапни чалғитишга уринишар, ниманидир яширишга интилишар эдилар. Июлда бошланган тергов ўтган йилнинг апрелигача давом этди. Терговчи жуда қийналди. Қандай қилиб бўлмасин жиноятчини аниқлаш зарур эди. Тергов давомида бир неча бор тажрибали ўртоқларнинг фикрлари ҳисобга олинди. Аммо ҳар бир сўроқ кишини қониқтирмайдиган тавсиятлар қолдирарди. Иш юзасидан терговчи тунлари ҳам бош қотирар, дам-бадам шубҳа остидагиларни сўроқ қилишда давом этарди. Ниҳоят, 1968 йилнинг 24 апрелида гувоҳ Запевалов ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди. Маълум бўлишича, 1967 йил, июнь ойининг охирларида юқоридаги тўрт киши ичкиликбозлик қилишган. Пайвин учиб қолади, бошқалар уй-уйларига тарқалдилар. Эрталаб Қульбеда, Запевалов, Карп яна учрашадилар ва ярим литр ароқ ичадилар. Улар кўприк устидан ўтаётганларида Қульбеда Кирпга вино олиб бер деб ёпиша бошлайди. Кирп эса унинг бошига муштлаб, каналга итариб юборади. Запевалов, унга ёрдам бериш керак, деганда, Кирп «кўявер, ўзи чиқиб олади», деб жавоб беради. Улар индамай кетаверадилар. Оқибатда оғир жиноят содир бўлади. Бу ишнинг характерли томони шундаки, иштирокчиларнинг ҳаммаси — қотил ҳам, гувоҳ ҳам узлуксиз ичиш оқибатида атрофда бўлаётган ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри ҳис қилишдан маҳрум бўлиб қолганлар, уларда юз бераётган воқеаларга, ёнидаги одамларга ўта кетган даражада лоқайд, бефарқ қараш қайфияти пайдо бўлган.

Бу мудҳиш ҳодисадаги энг ёмон нарса жиноятчининг инсон тақдирига жуда совуқ бефарқ қарашидир.

Одам бирданига жиноятчи бўлиб қолмайди. Майда-чуйда қиликлар, ахлоқ нормаларининг айрим тарзда бузилишлари аста-секинлик билан бунга олиб боради. Вақтида олди олинмаса бу одатий туста кириб қолади. Агар вояга етмаган йигитчага биринчи рюмкани узатаётган шахсга танбеҳ бермаган, ахлоқ қоидаларининг бузилаётганини кўра туриб индамай кетаётган, безорини тўхтатиб қолмаган кишиларнинг ҳуқуқни қоралайдиган қонун нормалари амалда бўлганда қандай яхши бўларди. Аммо, биз кўп ҳолларда ҳуқуқ нормаларидан ташқари, ахлоқ нормаларининг софлиги ва муқаддаслиги учун курашишни ҳаммадан бирдек талаб қилувчи инсоний бурч ҳам мавжудлигини унутиб қўямиз. Ичкиликбозликка, ҳар қандай, ҳатто майда, аҳамиятсиздек туюлган қулқий бузилишларга (у уйда, кўчада, мактабда ёки бошқа жойда содир бўлганлигидан қатъи назар) қарши курашиш фақат ота-она, ўқитувчиларнинггина эмас, балки барча онгли гражданларнинг бурчи ҳисобланади. Социалистик қонунчилик қоидаларига амал қилиш ёки амал қилмаслик фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий бурч ҳамдир.

Ш. УРАЗАЕВ.

ОЙ ВУЛКАНИЗМИ

СОВЕТ АСТРОНОМИНИНГ КАШФИЁТИ

Ойдаги вулканлар ҳаракат қилишда давом этмоқда. Таниқли астроном, СССР Фанлар академияси Пулководаги бош астрономия обсерваториясининг катта илмий ходими Н. А. Козирев шундай хулосага келди. У планетамизнинг табиий йўлдошида илгари маълум бўлмаган вулкан фаолиятини тажриба йўли билан аниқлади. Олминиг муҳим хулосалари 30 декабрда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ихтиро ва кашфиёт ишлари комитетининг мажлисида кўриб чиқилди ва кашфиёт сифатида тасдиқланди.

Совет астрономи 1955 йилдаёқ Ойдаги Аристарх кратери ичидаги жинслар люминесценциясини биринчи бўлиб аниқлаганди. Ана шу қизиқ ҳодиса бу борадаги тадқиқотларни давом эттиришга ундади. Альфонс кратери Н. А. Козиревнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Шу кратер марказий чўққисини тадқиқ этиш газларнинг шуъла таниш спектрограммасини олишга имкон берди. Ана шу ҳодиса 1958 йил 3 ноябрь Москва вақти билан соат 6 дан 6-30 минутга қадар Қримдаги астрофизика обсерваториясининг диаметри 50 дюймли рефлектори ёрдамида қайд этилганди.

Олим газ спектрининг ёрқинлигига қараб тузган ҳисоб-китоблари итқитилган газлар миқдори миллион куб метрга етганлигини кўрсатди. Ой қаъридан итқитилган газ асосан молекуляр углероддан иборат эди. Ана шу нарса Альфонс кратерининг марказий чўққиси ҳозирги вактда ҳаракатдаги вулкандир, деган хулосага келишга имкон берди.

1959 йилнинг октябрида Н. А. Козирев яна Альфонс кратерининг спектрограммасини олди. Бу спектрограмманинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, қизил ва сариқ нурларда чўққининг майда деталлари кўринган бўлса, кўк нурларда эса бу деталлар йўқолган. Олминнг фикрига кўра, бу нарса кратердан кул отилганлигини билдиради. Н. А. Козирев Камчаткадаги Безимянний ва Ключевский вулканларининг тутунларида ҳам айни шундай спектрни кузатган эди. АҚШда 1964 йилда «Рейнжер-7» автомат станцияси ва ситасида олинган фотосуратлар Альфонс кратери марказий чўққисининг ёнбағрлари кул билан қопланганлигини қайд этди.

Астроном 1961 йилнинг қишида ҳам қизиқ маълумотлар олди. Беш кеча мобайнида олинган спектрограммалар Аристарх кратерининг ичида газлар занф шуъланаётганлигини кўрсатди. Тадқиқотчи ана шу спектрларни муфассал ўрганиб, улар асосан молекуляр водороддан иборат экан деган хулосага келди.

Совет олими Ердаги ва Ойдаги тектоник процесслар ўртасида бевосита алоқалар мавжуд, деган қизиқарли хулосага ҳам келди. Масалан, Ер қимирлашга яқин пайтларда Ойда пайқаладиган хусусиятлар янада активроқ намоён бўлади. 1969 йилнинг 26 мартидан 31 мартигача ўтган муҳлатда Ернинг актив тектоник ҳолати пайтидаги кузатишлар буни тасдиқлаб туради. Ана шу пайтда олинган спектрограмма Аристарх кратерида ҳам вулкан фаолияти рўй берганлигини кўрсатди.

Н. А. Козирев ўтказган кўпдан-кўп экспериментлар ва назарий тадқиқотлар Ойни билишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

А. ПРЕСНЯКОВ.
(ТАСС мухбири).



РЕСПУБЛИКАМИЗ рангли металлургиясининг энг йирик корхоналаридан бири—Олмалиқ мис заводи коллективи шу кеча кундузда доҳий В. И. Ленин юбилей олдидан вахтада туриб меҳнат қилмоқда. Қисқа муддатдаёқ Бекобод металлургия заводининг қутлуғ сана олдидан беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш юзасидан бошлаган ташаббуси бу ерда ўз издошларини топди. Илғор ишчилар ташаббусга қўшилиб зиммаларига қўшимча мажбурият олмоқдалар. Сиз суратда кўриб турган анод печининг катта мис эритувчиси Г. Юхматов ҳам ана шу ташаббусга қўшилганлардан. Меҳнатсевар ишчи кундалик топшириқларни ошириб адо этаётир. Пастдаги суратда эса корхона ҳавозаси тасвирланган.

И. Глауберзон фотолари.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ВИРУСГА ҚАРШИ МОДДА

Флоренцияда ҳаётнинг пайдо бўлишига бағишлаб ўтказилган Халқаро симпозиумда бир группа италиялик биологларнинг профессор Пьеро Сенси раҳбарлигида очган янгилиги чет эллик ва совет олимларида катта қизиқиш уйғотди. Италиялик тадқиқотчилар биология тарихида биринчи марта ўзида вирусга қарши хусусиятга эга бўлган янги моддани кашф этдилар. Симпозиум қатнашчилари бу тадқиқотнинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Агар медиклар антибиотиклар ёрдамида бактерия ва микроблар қўзғатувчи касалликка қарши муваффақиятли курашиб келишган бўлса, вирус касалликларига қарши кураш ҳали ҳам кўнгилдагидек эмас эди.

Вирусга қарши модда «Рифампичина» деб номланди. Бу шифобахш модда, айниқса, трахомани даволашда қўл келади.

«ОДРА-1300» ЭЛЕКТРОН МАШИНАСИ

Польша халқ хўжалигининг турли тармоқларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида электрон-ҳисоблаш техникаси тобора кенг қўлланилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида корхона ва институтлар илмий тадқиқотни аниқ таҳлил қилиш, маълумотларни қайта ишлаш ва технологик жараёнларни бошқаришга мўлжалланган ўнлаб янги ҳисоблаш қурилмалари олди.

Врацлавдаги «Эльвро» заводи томонидан ишлаб чиқарилаётган турли типдаги рақамли ҳисоблаш аппаратлари халқ хўжалиги учун катта фойда келтирмоқда. Мазкур завод эндиликда кўп серияда «Одра-1300» номли янги электрон машинаси ишлаб чиқара бошлади.

Польша ҳисоблаш техникаси жуда кўп мамлакатларда, шу жумладан, Совет Иттифоқида, ГДР, Чехословакияда, Болгария, Венгрия, Югославияда, Корея Халқ Демократик Республикасида оммавий равишда қўлланилмоқда.

ОЛТИН МЕДАЛЛИ МАШИНИСТ

С. Бахарев меҳнати билан Фарғонада донг чиқарган механизатор, «Ферганаводстрой» трестининг экскаватор машинисти ўртоқ Бахарев нейнинги 7 йилда 20 йил нормасини бажариб қўйди. У машинани эъзозлайди. Экскаватори шунинг учун ҳам капитал ремонтсиз узоқ муддат ишламоқда. Ҳозир бошқариб турган экскаватори билан Фарғона сув омбори қурилишида ҳам пешқадамлик қилган. Катта Андижон каналини барпо этишда рекорд кўрсаткичларга эришган.

Узбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи ўртоқ С. Бахарев Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг учта олтин медалини олган. Ана шу илғор механизатор бугунги кунда Аччиқкўл коллектори қурилишида намуна кўрсатиб ишлаяпти.

ХИМИКЛАР ҲАДЯСИ

Навоий химия комбинати янги йил арафасида Ўрта Осиё пахтакорларига декабрь топширигидан ташқари яна икки эшелон ўғит юборди. Комбинат коллективи йил охирида аммиак ва аммиакли селитра ишлаб чиқаришни кўпайтириб, минерал ўғит ишлаб чиқариш юзасидан мамлакатда биринчи ўринни қўлдан бермай келаётир.

31 декабрь куни корхонада сирка кислотаси ишлаб чиқарувчи цехни фойдаланишга топшириш тўғрисидаги акт имзоланди. Аммоний сульфат цехи ишга тушириляпти арафасида турибди. Корхона ёнидаги яқиндагина қўйлар ўтлаб юрган бўш жойда янги корпуслар қад кўтарди. Бу ерда аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехларининг учинчи навбати қурилмоқда.

(ЎзТАГ).

ҲАР КИММНИНГ БЕКАТИ

ҲИКОЯ

ТУН. Поезд қоронғулик бағрини ўқдек ёриб боряпти. Бекатларнинг чироқлари вагон ойнасидан лип-лип қарайди. Йўловчиларнинг ҳуррак отгани, қўшни купейда ғўдакнинг йиғлаши эшитилади. Емғир ҳўл сочлари билан томларни, деразаларни дув-дув савалайди. Вагонлар пўлат оёқлари билан Қашқадарё кўпригини «тақа-тақ — тақа-тақ» тепиб ўтаётганда пастки ўриндиқда мизғиб ётган ўрта ёшлардаги йўловчи сапчиб ўрнидан турди. Пешанасини совуқ, нам деразага тираб, йўл четида чироқлари милтиллаб колиб кетган бекатга ташвишли термулди. «Тушинг, танишингиз бўлса тушинг» дейишга ҳам, бекатнинг номини ўқишга ҳам улгуролмадим.

Димоғимга иссиқ нон ҳиди урилгандай бўлди. Кўзларим ачишиб, лабига рўмолининг учини босиб, лой йўлдан чопиб келаётган кампир кўриниб кетди. Томоғимга шўрганг суюқлик тиқилди. Ҳаёл мени қишлоққа, болалик йилларига етаклади: Уруш. Қийинчилик. Чилла совуғида бизникига онамнинг тутинган опаси — Адолат мома келди. Ориққина, қотма, бир тутамгина оқ сочи қулоғини ёпиб турган, қўллари косовдек, кўзлари хира, маюс. Қора жун рўмол ўрағанидан юзи қора ҳошияга олиб қўйилган суратга ўхшайди. Унинг олдига онам дастурхон ёза олмадилар. Кампир, онамнинг ўзини тутиши, боқишлари, юзларидаги томирларнинг ҳаракатидан, уйимизда бир сиким ун йўқлиги, ҳолимиз ниҳоятда ночорлигини сезиб олган эди. Адолат мома бозор-ўчар қилиб келган, чилим чекди. Бошини бироз эгиб, бўғиқ, паст товуш билан гап бошлади:

— Аброржон урушга кетгандан буён қулоқ-бурним кесилгандай. Тунуқ, болаларингизни мен билан юбор. Шаҳарда ҳамма нарса қиммат. Қишлоқда ҳар қалай, қоқи, тутмайиз, шинни деҳқончилик. Йўраб келишади.

Онам кўндилар. Адолат мома-нинг эшагина миниб, қишлоққа жўнадик. Пахса деворлари йиқилиб ётган қоронғи кўчага тунда кириб бордик. Ариқ бўйларидаги ялангоч дарахтлар шамолда ҳуштак чалади.

Дарвозаси йўқ чорбоққа кирдик. Эшакни айвоннинг устунига боғлаб, охурига сомон солиб қўйдик. Адолат мома пастқам уйга кириб, жинчироқни ёқди. Парча қизил гулли узун кўйлаги ориқ танасига ёпишган, этакларидан намат устига томчилар томиб турарди.

—Тез ечин,—деди ўриндиқдан кўрпа олиб, уй ўртасидаги танчанинг атрофига тўшади. Танчани бир чеккага олиб қўйди. Айвондан ғўзапоя келтириб, гуриллатиб ёқди.

— Ана, кўрпанинг ичига кириб исин.

Девор ёнида турган кичик ёғоч сандиқдан битта нон олиб, ўчоқнинг деворига суяб қўйди. Қумғонни белигача кулга кўмди. Оловда тобланган нонни иккига бўлиб, ярмини менга берди. Бирам мазали, ширинки, ютмасдан, оғзимда олиб ўтиргим келади. Нондан ҳам ҳиди мазали. Нонни чайнаб ўтириб, ютиб юборганимни ўзим сезмай қолибман.

— Ма, е,— нонинг қолган ярмини ҳам менга берди.

Адолат моманинг ўзи эса сандиқчадан сопол пиёла олиб, қайнаган сувни пуфлаб ича бошлади. Кўйлагини оловда куритди. Оёқлари, тани, оппоқ сочларидан паровознинг ўтхонасидагидай буғ қўтариларди. Шипни, деворларни кўриб бўлмайди. Тутун, буғ қоплаб олди. Ухлаб қолибман.

Ярим тунда даҳлиз эшги очилгандек ғир-ғир товуш эшитилди. Бошимни кўтариб қарадим. Адолат мома даҳлиз бурчагидаги, ёруғучоқ дондонига ҳовучи билан арпа, тариқ солиб, тортяпти... Қачон ухлайди? Жони пўлатданми бу моманинг?

Ҳар кун болалар билан даладан эшакда ғўзапоя ташиймиз. Тунда танча атрофида ўтириб, кўрак чувиймиз. Эрталаб тут шинисига нон ботириб еймиз. Тушда атала. Кечда эчки сути ичамиз. Икки ҳафта тушдай ўтиб кетди. Якшанба куни чой ичиб бўлиб, эшакни тўқимлаётганимда, Адолат мома:

— Онанг соғинибди. Бозорчиларга қўшиб юборсин дебди,— деди.

— Йўқ, мен кетмайман, — дедим.

— Онанг хавотирланиб ўтиради, — деди Адолат мома. — Мени унутма, келиб тур.

— Мен сизни ҳеч ам унутмайман, момажон, — дедим. — Шаҳарга боринг, томоша қилдираман.

Адолат моманинг эшагига миндим. Ҳуржунга туршак, олма-қоқи, тутмайиз, иккита нон солиб берди. Бозорчига тайинлади:

— Эҳтиёт бўлинг. Онасининг қўлига топширинг.

Адолат мома рўмолининг учини лабига босиб, кишлоқ кетигача бизларнинг орқамиздан эргашиб борди...

Орадан неча-неча йил ўтиб кетди. Ўқишни битириб, ишлаяпман. Янги-янги ташаишлар. Ҳар йил татилга чиқиб, Адолат момани кўриб келаман, дейману, бир иш чиқиб, келаси йил албатта бораман, дейман. Келаси йил яна...

Бундан ярим йил аввал қишлоғимиздаги қариндошимиз тўйга айтгани келди. У билан суҳбатлашиб ўтириб, Адолат момони сўраб қолдим.

— Момо ой-кунлари тўлиб, қазо қилдилар, — деди.

— Ни-Нима?!— Юрагим ғуп-иллаб урди. Жигарим қон бўлиб, нафасим ичимга тушиб кетди. Ҳаёлимда Адолат мома абадий яшайдиган, ўлиши мумкин эмасдай эди. Кўз олдимда лойли кўча, қора рўмол, ёқимли, ғамгин юз кўринди. Хира кўзларини менга тикиб турибди. Қани энди табиат тантилик қилиб, Адолат момани бир дақиқа тиритириб берса, ёнига тез чўкиб, узр сўрасам. Томоғимни бўғиб келган ёшни ютдим. Ютдим-у, барибир кўзимдан силқиб чиқди.

Тўйга борганда Адолат моманикига кирдим. Уғли чорбоқнинг бир бурчагидан янги уй қуриб, кўчиб ўтибди. Кампир янги уйда ётса ҳам, нарсаларини эски, пастқам уйдан чиқазмаган экан. Уй ўртасида сандал. Сандал устида ёғоч сандиқча. Тўлқинланиб очдим: ўша сопол пиёлача, биттасининг ёқут кўзи тушган бир жуфт ҳалқа, ейилиб, қилдай бўлиб қолган узуқ. Ёнида... ёнида менинг журналда босилган расмим... Демак кампир кутган, шунча йиллар мени «келади, келади» деб илҳақ бўлиб кутган экан. Мен эса...

ПАРОВОЗ пешонасидаги ёлғиз чироғини шамшир қилиб, тун бағрини тилиб боряпти. Емғир кўз ёшлари деразаларга дув-дув урилади. Ҳамхонам ухлолмади, қўлларини боши остига қўйиб ётди, ярим очиқ кўзлари шипга тикилган. Вагон ғилдираклари тақа-тақалаб, йўловчиларнинг қулоғига бир нарсани такрорлайди:

— Ҳаётда ҳар кимнинг юрагига яқин, азиз бир бекати бўлади. Сўнг ўзингни қойиб юрмаслигинг учун минг бир иш елкангни босиб турганда ҳам бор, ўша бекатга бор, бор...

Самар НУРОВ.

ЭКРАН ЯНГИЛИКЛАРИ

«Мосфильм» студиясида ёзувчи А. Чаковскийнинг «Келин» қиссаси асосида **«Ушанинг қаллиғиман»** номли картина суратга олинди. Н. Трахтенбург режиссёрлик қилган бу фильмда икки тема — ҳар қандай қийинчиликлар, тўсқинликларни енгиб ўтишга қодир бўлган самимий севги, чин муҳаббатга бўлган садоқат ва турмушда, баъзан коллективда йўл қўйилган хатоликларни тузатиш сабабларини аниқлаш борасида олиб борилган кураш жараёнида юзага чиқувчи ҳақиқат ҳамда адолат масаларини очиб беришга уринилган.

Грузин киносанъаткорлари сценарийчи Сулико Жгенти ва режиссёр Резо Чхендзелар кўпдан буён ҳамкорлик қилишади. Улар яратган «Солдат отаси» фильмининг қанчалик муваффақият қозонгани муҳлисларга аён. Муаллифлар ўзларининг навбатдаги картиналарини **«Баллн, ёшлар»** деб номлашди. Менимча, фильмни шундай деб аташ ўринли бўлса керак,—дейди режиссёр, — чунки биз яратган экран қаҳрамонлари томошабинларда аввалига таҳқирловчи таассурот қолдирсада, кино давомида йигитлар жасорат кўрсатганларидан кейин ҳайрихоҳлик, ғурур билан балли, ёшлар дейишга мажбур этади.

«Эр-хотининг уруш...» фильми Франциянинг «Фильм — Бордери-Терра — фильм» студиясида суратга олинган. Картина икки серияли бўлиб, «Жан-Марк» ва «Франсуаз» деб аталади. Фильмда асосан бир воқеа устида ҳикоя қилинади. Фақат, севги билан қовушган икки жуфтнинг бир-биридан ажралиш сабаблари аввалига хотин тилидан ҳикоя қилинса, иккинчи қисмида эр томонидан сўзланади. Фильмда эркаклар хотинларини «Менинг ярмим» деб аташлари хато тушунча эканини, аслида эса ҳар бир рафиқанинг ўз мустақил фикр-мулоҳазаси, шахсий ҳаёти бор экани масалалари очиб берилади.

СУРАТЛАРДА: «Ушанинг қаллиғиман» ва «Баллн, ёшлар» фильмларидан кадрлар.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ЛЕНИН ХОТИРАСИГА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига марксча таълим маркази бу ерда жаҳон пролетариатининг доҳийси, жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчисининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, унинг таълимоти ҳақида туркум лекциялар ўтказади. Лекцияларни АҚШ Коммунистик партиясининг раҳбарлари ва кўзга кўринган назариётчилар ўқийдилар. «Ленин ва империализм» мавзусидаги биринчи лекцияни 21 январда АҚШ Компартиясининг бош секретари Гэс Холл ўқийди.



ВЕНГРИЯ. Будапештдаги «Ганц» заводи маҳсулотининг кўпчилик қисмини экспорт моллари ташкил этади. Бу ерда ишланаётган электр моторлар ва генераторларнинг янги турлари қардош социалистик мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда «Ганц» заводи ГДР, Болгария ва Польша заказларини тайёрламоқда. Суратда: йиғув цехида.

МТИ—ТАСС фотоси.

ҚУРОЛЛАНИШГА—МИЛЛИАРД-МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Пентагон 1970 йил остонасидан ҳатлаши биланоқ навбатдаги ўн йилликни янада қимматга тушадиган милитаристик лойиҳалар билан нишонлаш ниятидадир.

АҚШ қуролли кучлари янги қирувчи самолёт «Ф-15»ни яратишни мўлжаллаётгани тўғрисида матбуотда илгари хабар қилинган эди.

АҚШ харбий саноат доираларига яқин турадиган «Ю. С. Ньюс энд уорлд рипорт» журнали, Пентагоннинг навбатдаги милитаристик ниятя Америка солиқ тўловчиларига жуда катта маблағ — 9.6 миллиард долларга тушишини хабар қилмоқда. АҚШ харбий идораларининг раҳбарлари «Макдоннел Дуглас корпорейшн» компаниясига лойиҳани ишлаб чиқишни топшириган. Бу компания Пентагоннинг асосий пудратчиларидан биридир. Фирма ишлаб чиқарадиган дастлабки 107 та самолёт, унга 1,6 миллиард доллар фойда келтиради. 1970 йилнинг ўрталарига келиб, Пентагон «Ф-15» типидаги самолётлардан 700 тасини сотиб олишни мўлжалламоқда.

АГРЕССОР ТИНИБ-ТИНЧИМАЁТИР

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливаннинг жанубий чегарасида Исроил самолётларининг ҳужуми натижасида 3 январда тўрт киши ярадор бўлди, — деди республика қуролли кучларининг бу ердаги вакили.

Маҳаллий вақт билан соат 12 дан 15 минут ўтганда, деб маълум қилди вакил, Исроил самолётлари Ливан ҳаво бўшлиғига бостириб кириб, тинч аҳолини пулеметлардан ўққа тутди.

Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қисмларининг ўт очиши натижасида Исроил авиацияси қувиб юборилди.

ЛИВИЯ. 1969 йилнинг му ҳим воқеаларидан бири Ливияда мамлакатнинг республика деб эълон қилиниши бўлди. Республика меҳнаткашлари революцияни ёқлаб чиқдилар. Суратда: Триполи кўчаларида революцияни қувватлаб ўтка зилаётган намойишлар.

БТА—ТАСС фотоси.

ГРИПП АВЖ ОЛДИ

АНҚАРА. (ТАСС). Европага тарқалган грипп дарди бутун Туркияни чулғаб олди. «Оқшом» газетасининг соғлиқни сақлаш министрлигидаги мўътабар шахслар гапига асосланиб хабар беришича, Туркияда камида 20 миллион киши грипп билан оғриди. Кўп мактаблар ёпиб қўйилди. Медицина маъмурлари эпидемияга қарши шошилинч чоралар кўрмоқдалар.

МЕКСИКАНИ КЎЗЛАБ

Футбол

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари туғади. Яна 4 кундан сўнг 10 январда Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) Мехико шаҳрининг энг яхши меҳмонхонаси «Мария Исабель»да чек ташлаш ўтказади. Шундан кейин сараланган турнирнинг ўн олти голиби финал мусобақаларининг тўрт группасида ўз ўринларини аниқлаб олишади.

Шу йилнинг 31 майида Мехикода, июнда эса Гвадалахар, Леон, Пуэбло ва Толукида футбол бўйича IX жаҳон чемпионатининг Жюль Риме ташкил этган «Олтин мазъуда» кубогини эгаллаш учун ҳал қилувчи ўйинлар бошланади.

Шу пайтгача, қирқ йил давомида бу турдаги мусобақалар текислиқда ёки унча баланд бўлмаган жойда ўтишган мамлакат ва шаҳарларда ўтказиларди. Энди бўлса барча қитъаларнинг футболчиларига денгиз сатҳидан 2000 дан 2500 метргача баландликда ўйнашга тўғри келади. Табиийки, бу нарса ўйинга таъсир қилмасдан қолмайди ва тренерларни шароитга мослаштириш ҳамда ўйинчиларни танлаш масаласига алоҳида эътибор беришга мажбур қилади.

Жаҳон чемпиони — инглизларнинг Мексикага чемпионат бошламасдан бир ой бурун келишга тайёрланишлари бежиз эмас. Сўнгра Европа чемпиони — итальянлар ва бразилияликлар етиб келишади. Финал ўйинларининг очилишига уч ҳафта қолганда ГФР ва Перу футболчилари, икки ҳафта қолганда эса қолган бошқа мусобақа қатнашчиларининг ҳаммаси Мексикада бўлишади.

Навбатдаги чемпионатнинг биринчи хусусияти ана шундан.

Иккинчи хусусияти мусобақа қатнашчилари составининг анча янгиланганлиги иборат. Мана улар: Руминия, Чехословакия, Италия, СССР, Швеция, Бельгия, ГФР, Болгария, Англия, Перу, Бразилия, Уругвай, Сальвадор, Мексика, Исроил, Марокаш. Уларнинг тенг ярми — саккиз команда Англияда ўтган сўнгги чемпионатда қатнашмаган эди.

Футбол командаларининг бундай алмашинуви қандай натижа беришини айтиш қийин, бироқ Шотландия, Испания, Венгрия, Португалия, Аргентина, Шимолий Ирландия, Австрия, ГДРнинг терма командалари сингари кучли миллий командаларнинг финалга чиқолмаганидан афсусланамиз. Ҳозир уларнинг спортдаги муваффақиятсизликларини таҳлил қилиш пайти эмас. Лекин территориал белгиларга қарай тузилган саралаш мусобақалари нотўғри ташкил этилгани кўзга яққол ташланиб турибди. Бунинг натижасида анча кучсизроқ бўлган миллий футбол командалари жаҳон фестивалида қатнашиш учун Мексикага йўлланма олдилар, кучлилар эса кучли командалар билан беллашувда таслим бўлдилар. Венгрия ва Чехословакия терма командаларининг олишуви бунга яққол мисол бўла олади. Бу командаларнинг икковидан бирини қолдириш учун бетараф майдонда учинчи ҳал қилувчи ўйин ўтказишга тўғри келди. ГФР, Бельгия, Испания, Шотландия ва Югославия командалари ўртасидаги кураш ҳам ана шундай бўлди.

Нима қилиш керак? Бизнингча, жаҳонининг энг кучли командаси номини олиш учун беллашишни истаган командаларни даражасига қараб биринчи ва иккинчи группага ажратиш пайти келди. Хоккей бўйича жаҳон чемпионати ўйинлари ҳам шу тарзда ўтказилянти-ку, ахир!

Мексикада ўтадиган жаҳон чемпионатининг учинчи хусусияти турли футбол мактаблари ўйинларининг тактик ва техник жиҳатдан нисбатан тенглашувида намоён бўлмоқда. Агар аввалари Латин Америкаси, ўрта Европа ва Англо-Саксон мактабларининг футбол ўйинларида характерли белгилар мавжуд бўлса, эндиликда бу командаларнинг тезтез учрашиб туриши натижасида улар ўртасидаги фарқ йўқолиб, тактик ва техник маҳорат тенглашиб бормоқда.

Энг яхши Европа командалари техник жиҳатдан эпчил жанубий американликлардан қолишмаяпти. Бунинг устига тўпни эгаллаш борасида европаликларда анча устунлик сезиляпти. Ўз навбатида Латин американлик футболчилар европаликлардан ҳаққонликни футболнинг энг зарур таркибий қисми сифатида қабул қилиб олдилар ва уни юксак техника билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Тенглашув шу тариқа амалга ошяпти.

Бундан ўн бир йил муқаддам, Стокгольмда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Бразилия футболчилари ўйинчиларни жойлаштиришнинг янги гартиби ва янги тактика билан спорт дунёсини ҳайрон қолдирган эдилар. Энди бўлса, жаҳонининг деярли барча командаси Бразилиянинг ўйин системасини турли кўринишларда қўллаб кўрдилар ва ундан фақат тўрт ҳимоячси бўлган мудофаа қолатини қолдирдилар. Ўнлаб тактик янгиликлар шу жумладан ўйинчиларнинг майдонда жойлаштирилишининг янги усуллари ҳам синаб кўрилди. Ҳозирги пайтда анча ўйин система — тўрт ҳимоячи, уч ярим ҳимоячи ва уч ҳужумчи системаси кўпроқ кўзга ташланмоқда. Европа ва Жанубий Америка командаларининг катта кўпчилиги шу тарзда ўйнамоқда.

Футболда, айниқса жаҳон чемпионати ўйинлари борасида тахмин қилиш ҳавфли. Бироқ ўтган саккиз чемпионатда фақат 5 голиб бўлганини яхши биламиз. Булар: Уругвай (икки марта), Бразилия (икки марта), Италия (икки марта), Англия ва ГФР. Қопқи бўйича Жюль Риме кубогини уч марта эгаллаган команда унинг доимий эгаси бўлиб қолади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ўйин қайси қитъада ўтказилса шу ернинг командаси жаҳон чемпиони бўлиб келган. Биргина бразилияликларнинг Швециядаги ғалабасини мустасно қилганда ҳамма вақт шундай бўлган.

Чемпионатга миллий терма командалар турлича тайёрланишди. Саралаш ўйинлари буни яққол кўрсатиб турибди. Бу борада бразилияликлар яхши натижаларга эришдилар. Улар рақиблари — Парагвай, Колумбия ва Венесуэла командаларини осонгина енгиб, турнирни аъло даражада якунладилар. Натижада 12 имкониятдан 12 очко тўплаб, киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатининг 23:2 бўлишига эришдилар. Шунинг ўзиёқ командининг бўлажак чемпионатдаги мавқеидан далолат бериб турибди. Тренерлар команда составини беш ўйинчилар ҳисобига тўлдириб ўйиннинг авалги услубини — ҳужумни биринчи даражали бўлишини сақлаб қолдилар. Ҳужум линиясининг авангарди бўлган Эду, Пеле, Тостао ва Жайрзиньо сингари моҳир ўйинчилар ҳар қандай рақибга даҳшат сола оладилар.

Перунинг беш терма команда жаҳон чемпионатида биринчи бор қатнашмоқда. Бразилиялик машҳур футболчи Диди тренерлик қилаётган бу команда Аргентинанинг донги кетган ўйинчиларини таслим қилди Европада эса ГФР, Италия, Бельгия ва СССРнинг терма командалари ўзларини кўрсатишди.

Англия терма командаси жаҳон чемпиони сифатида саралаш ўйинларида қатнашмади. Бироқ унинг Буюк Британия чемпионатида, китъа биринчилигида ва Жанубий Америка сафарида кўрсатган ўйинлари команданинг чемпионатга яхши тайёрланганини кўрсатиб турибди. Улар Британия турнирида голиб чиқишлар, Европада учинчи ўринни эгалладилар. Жанубий Америка сафарини жуда яхши ўтказиб, фақат Бразилиядангина енгилди (1:2) қайтдилар.

Шундай қилиб, биз халқаро футболнинг келгусидаги тараққиёт йўлини белгилаб берувчи навбатдаги жаҳон чемпионати арафасида турибмиз.

Мартин МЕРЖАНОВ,
АПН футбол шарҳловчиси.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

ҚОНЛИ БАШАРА

Негрларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг одамларга ўхшаб ҳаёт кечириши учун кураш олиб бораётган «Қора қоплонлар» ташкилотининг раҳбарларидан қонли ўч олинаётганлиги Америка империализмининг йиртқичлик башарасини очиб берди.

Ўз «демократияси» билан мақтаниб юрган Америка Қўшма Штатларида кенг ҳуқуқ бериб қўйилган полициянинг бебошликлари тўғрисида «Дейли уорлд» газетаси шундай ҳикоя қилади:

◆ ◆ ◆

Декабрь тонгларидан бирида Чикагода «Қора қоплонлар»нинг Чикаго бўлими раиси Ўринбосари, 25 ёшли Фредо Хэмптонни полициячилар отиб ўлдиришди, у билан биргаликда Чикагодан 50 мил масофадаги Пеория шаҳри «Қора қоплонлар» бўлимининг ташкилотчиси ва Фредонинг тенгқуръ Мари Кларкни ҳам қурбон қилишди.

«Отишма» тўғрисида полициянинг баённомасида қуйидаги воқеалар қайд қилинади: Вест-Монро стрит кўчасидаги 2337-уйнинг Хэмптон квартирасига 14 полициячи «ғайриқонуний» қурол-яроғлар борлиги ҳақидаги маълумот асосида бостириб кирди. Прокуратура вакили полициячилар қўлида судья Ричард Каллинс томонидан берилган буйруқ ҳам бор эди», деб ахборот беради.

Полициячилар Хэмптон квартираси эшигини тақиллатганда, деб баён қилади полиция, квартира ичидагилар ҳар галгидек «Ким у тақиллатаётган?» деб ҳадеб сўрайверадиган эски тактикасини қўллашди.

Полиция квартира ичига бостириб кирганда саккиз ёки ундан кўпроқ киши қарабинлардан, тўппончалардан, револьвердан ўқ узишганмиш. Хэмптон ва Кларк ўлдирилди, олти киши ярадор қилинди. Полициянинг айтишича, яраланганлардан иккитаси полициячи эмиш.

Полиция саккиз ойлик ҳомиласи бўлган 19 ёшли Ребора Жонсонни ва Хэмптон квартирасидаги яна бошқа уч кишини қамоққа ҳайдаб кетди.

Бир неча минутда уйга 50 дан ортиқ полициячи бостириб кирди. Улар автоматлар, пулеметлар ва кўздан ёш оқизувчи икки машина билан қуролланиб олган эдилар.

Хэмптоннинг ўлдирилиши ҳокимият томонидан «Қора қоплонлар»га қарши уюштирилаётган террорчилик кампаниясининг энг ашаддий ва жирканч башарасини яққол кўрсатди.

Полиция кейинги олти ой мобайнида шу ташкилотнинг 40 дан ортиқ раҳбарини ва 125 аъзосини айбсиз қамоққа олди. Уларнинг баъзилари ўлимга ва баъзилари умрбод қамоққа ҳукм этилиш олдида турибди.

Ҳокимият «қоплонлар» ташкилоти раҳбарларига нисбатан ваҳшиёна жазолар қўлламоқда. Ўтган йили Склендда шу ташкилот секретарларидан 17 ёшли Бобби Хеттон ҳам ана шундай ваҳшиёна буйруқнинг қурбони бўлди. Полициянинг бир ҳужумида, ярадор бўлган Элдридж Кливер «Рэмпартс» журналининг мухбирига, агар у яна қамалгудек бўлса, турма нозирлари уни албатта ўлдиришларини айтган.

Бундан икки ой муқаддам полициячилар Лос-Анжелесда «Қора қоплонлар» ташкилоти газетасини Жанубий Калифорнияда тарқалишига раҳбарлик қилаётган Уолтер Поулни отиб ўлдиришди. Поул уч ой ичида ана шу районда газета тиражини бир ярим мингдан етти минг нусхагача тарқатишга муваффақ бўлган эди. Полиция Поулни Федерал қидирув бюроси қўмагида қўлга туширди.

Ўтган йилнинг 10 октябрь куни Канзио — Ситида иккита оқ танлининг машинаси олдидан ўтиб бораётган «Қора қоплонлар»нинг Миссурий штатидаги ташкилоти раиснинг ўринбосари Петер Оънилга қарата ўқ узилди. Лекин унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Шундай бўлса ҳам у ҳозиргача госпиталда даволанмоқда.

Шу воқеадан бир ой ўтгач, худди ана шу Канзио — Ситида шу ташкилотнинг аъзоси Роллинс қулоғидан ўқ еди. У негрлар ташкилоти ихтиёридаги бепул даволайдиган клиника касалхонаси эшигидан чиқаётган пайтда бу воқеа содир бўлди. «Қора қоплонлар» ана шу қонли суиқасдни ҳам полиция томонидан уюштирилганлигини эътироф этади. Ташкилотнинг Чикагодаги штат-квартираси, шунингдек мамлакатнинг бошқа жойларидаги қароргоҳлари ҳам доимий равишда полиция ва Федераль қидирув бюроси томонидан тинтувлар, негогарликлар, асоссиз ҳужумларга дуч келмоқда. «Қора қоплонлар» ташкилотининг Клинойс штатидаги раисининг ўринбосари квартирасида полиция агентлари томонидан қилинган қотиллик негр аҳолисига, мамлакатдаги барча сўл ҳаракатларга қарши уюштирилаётган террорчилик кампаниясининг яна бир янги найранги сифатида майдонга чиқди.

Яқингинада Чикаго шаҳрида полиция Кэрилл-авеню кўчасидаги бир квартирага бостириб кириб, негрлар ташкилотининг аъзоси бўлган уч кишини — ҳомиладор Ланн Фрэнч, квартира бекаси Юджиния Рид, Тони Харрисни ҳолдан кетгунларича ур калтак-сур калтак қилдилар. Харрисни ўлар ҳолатида госпиталга жўнатишга тўғри келди. Унинг соғайиб кетиши жуда қийин бўлса керак.

Шу воқеадан бир ҳафта бурун полиция ташкилотнинг Чикагодаги аъзоси Джек Уинтерс турган ерга полиция ҳужумини уюштирди. Унинг ўртоғи Лауренс Белл оғир ярадор қилинди. Ҳозир у госпиталда ўлим тўшагида ётибди.

Пойафзалчилар бирлашган касаба союз ташкилотининг раҳбарларидан бири Джон Спигель Фредо Хэмптон билан Марк Кларкларнинг қотиллар томонидан махв этилганликларини шарҳлаб, «Дейли уорлд» газетаси редакциясига қуйидагиларни ёзиб юборди. «Никсон маъмурияти» «Қора қоплонлар» ташкилотини батамом тугата олса, ундан кейин полиция тиғини ишчилар ҳаракатига қаратиши турган гап».

Негрларнинг гражданлик ҳуқуқи учун кураш ҳаракатининг таниқли қурашчиси ва дин арбоби Ральф Абернети полиция хизматчиси томонидан асоссиз равишда ўлдирилган кишиларни дафн этиш маросимида шундай деди: «Бир вақтлар миллатчилар Германиясига қарши курашган бир мамлакат бугунги кунда ўша жинояткорога ўлдан унинг ўзи бормоқда».

(АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!
1966 ЙИЛГИ
3% ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЕМИ
28-ютуқлар тиражининг
РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1969 йил 30 декабрда Москва шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма йигирма олти разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
100907	08*)	500	137955	39*)	500	169686	33*)	500
101883	34*)	500	137996	1—50	100	171658	1—50	40
102132	25*)	500	138358	1—50	40	172261	38*)	1.000
103885	02*)	500	138392	28*)	500	173605	1—50	40
104621	05*)	2.500	138452	49*)	500	173862	45*)	2.500
105553	18*)	500	140734	45*)	500	173949	40*)	500
105576	07*)	500	140781	1—50	100	174362	10*)	500
106678	34*)	500	141277	1—50	40	174805	37*)	500
107013	12*)	5.000	141632	46*)	500	175059	1—50	40
107388	39*)	500	142187	45*)	1.000	175513	36*)	1.000
107724	21*)	500	142405	31*)	500	175640	20*)	5.000
108411	24*)	500	142518	1—50	100	177063	15*)	2.500
109563	1—50	40	142892	47*)	500	177335	1—50	40
109923	01*)	500	144556	1—50	40	177580	1—50	40
110109	08*)	500	144646	09*)	500	177984	30*)	1.000
110579	48*)	500	145459	22*)	500	178815	01*)	500
110685	47*)	500	146344	1—50	100	178835	1—50	100
110969	1—50	40	147314	23*)	500	179361	1—50	100
111074	1—50	40	147373	15*)	500	179869	44*)	500
111264	06*)	500	147588	23*)	500	180061	19*)	1.000
111673	47*)	500	148037	1—50	40	180168	1—50	40
111897	19*)	500	148290	20*)	500	180289	1—50	100
112348	13*)	500	148446	25*)	500	180790	07*)	500
112385	44*)	500	148677	1—50	40	181254	14*)	1.000
112513	1—50	40	149226	47*)	500	182238	07*)	500
113532	41*)	500	149333	12*)	2.500	182815	35*)	1.000
113717	1—50	40	149863	24*)	500	183075	03*)	1.000
114621	38*)	500	150209	31*)	500	183764	1—50	40
114636	1—50	100	150340	07*)	500	184308	27*)	500
114840	1—50	100	150558	1—50	40	184472	05*)	500
114992	45*)	500	150614	35*)	500	184506	03*)	500
115316	26*)	500	150745	36*)	500	185626	10*)	500
115384	26*)	500	150992	50*)	500	185712	41*)	500
115670	30*)	500	152295	25*)	500	186481	1—50	40
116534	1—50	100	153088	42*)	1.000	186584	08*)	500
117558	40*)	500	153182	05*)	500	187793	29*)	1.000
117745	06*)	500	154179	45*)	500	187822	09*)	500
117873	06*)	500	154181	33*)	1.000	188411	16*)	500
118323	24*)	1.000	154358	33*)	500	188988	15*)	1.000
118356	1—50	40	155405	15*)	500	189157	1—50	100
118650	1—50	100	155920	1—50	40	189381	08*)	500
119033	05*)	500	156608	06*)	500	189984	07*)	500
119688	11*)	500	156697	1—50	40	190152	25*)	500
120979	1—50	40	157268	50*)	500	190524	49*)	500
121886	35*)	1.000	159226	24*)	500	191914	21*)	500
123182	50*)	500	159675	45*)	500	192037	1—50	40
123631	32*)	500	160243	50*)	1.000	192515	48*)	500
123662	1—50	40	160286	30*)	500	193616	1—50	40
124133	1—50	100	160788	24*)	500	193668	01*)	500
126141	31*)	500	162411	35*)	500	194073	39*)	1.000
127516	19*)	500	162525	20*)	1.000	194115	1—50	40
127746	48*)	500	162705	1—50	40	194783	1—50	40
129182	1—50	40	162944	1—50	40	195240	50*)	500
129837	18*)	1.000	162949	45*)	500	195453	36*)	500
130285	33*)	500	164844	49*)	1.000	196060	37*)	1.000
132322	48*)	500	164870	1—50	40	196413	42*)	500
133184	09*)	500	165345	15*)	500	197306	26*)	500
134153	19*)	500	166058	1—50	100	197439	46*)	500
134513	23*)	500	166126	16*)	500	197577	42*)	500
134651	1—50	40	167719	02*)	500	197802	1—50	40
135752	29*)	2.500	168522	47*)	500	198414	1—50	40
137104	1—50	100	168649	1—50	40	199141	44*)	500
137236	1—50	40	169391	42*)	500			

Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — Москва шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Пролетар район Совети ижроия комитетининг раиси — Н. К. НОВИКОВ.

Комиссиянинг масъул секретари — В. И. МАЛЬЦЕВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Тошкент кўрсатади.**

Узбек тилида: 10.00 — **«Сехрли соат»** (спектакль). 11.30 — Телетеатр: Д. Гриквуд. **«Жулдур қийимли бола»** (1-қисм). 13.00 — **Москва кўрсатади.**

17.55 — **Тошкент кўрсатади.**

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар. 18.15 — Кичкинтойлар учун эртаклар. 18.45 — **«Дворянлар уяси»** (бадиий фильм).

Узбек тилида: 20.45 — Телеянгиликлар. 21.00 — Теленовелла: С. Гусейн. **«Зумрад»**. 21.30 — Халқ хизматида. 21.45 — **«Александр Ульянов»** (кинофильм) 22.10 — **«Узбекистон чорвадори».**

ИККИЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари. 20.00 — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент кўрсатувлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 6/I да **Севги тумори** (кундузи), **Чио-чио-сан** (кечқурун), 7/I да **Спартак** (кундузи), **Травиата** (кечқурун), 8/I да **Этик кийган мушук** (кундузи), **Тўй кунида** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/I да **Мирзо Улуғбек** (кундузи), **Қонли сароб** (кечқурун). 7/Iда **Олтинчи июль** (кундузи), **Парвона** (кечқурун). 8/I да **Алишер Навоий** (кундузи), **Бўрон қуши** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/I да **Қайнона**. 7/I да **Кумуш тўй**, 8/I да **Ажаб савдолар** (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/I да **Освенцим жаллодлари**, 7/I да **Бахс**, 8/I да **18-ёшлигим** (кундуз соат 4 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ЦИРКДА АРЧА»** (кундуз соат 12 ва кеч 6 да).

Узбекистон ССР Министрлар Совети аппарати, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети Фарғона область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳамдам Умаровга онаси

Кароматой ФАЙЗИМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Ёзувчилар союзи правленияси президиуми СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, Қ. Мирмуҳамедова отаси

Мирносим МИРМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Муштум» журнали коллективи редакциясининг собиқ ходими, кекса журналист, пенсионер

Маҳмуд РАҲМОНнинг

оғир касалликдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

«Узбекгаз» бошқармасининг 2-трест коллективи трест раҳбари Б. С. Рахимовга онаси

Кумри РАХИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистик тарбия — 331455, Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332086, 337221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Наманган 21—88, Нукус — 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55, Гулистон — 22—09.

№ Г — 3. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583 Р — 01114